

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЁШЛАРГА ЯНГИ ТУРМУШ  
ҚУРАЁТГАНИДА ЎЗ ХОНАДОНИДА  
Қўшимча уй-жой қуриш учун  
ГАРОВСИЗ КРЕДИТ АЖРАТИШ УЧУН  
КАФИЛЛИК БЕРИШ БЎЙИЧА  
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

«Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2024

**Ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик бериш бўйича услугбий қўлланма.** Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 21 б.

Тузувчи: Э. Шайдулин

Ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик бериш бўйича услугбий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада кредит манбаларини шакллантириш тартиби, кредитлар мониторингини олиб бориш ва кредитни қайтариш тартиби, қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш тартиби содда тилда кўрсатиб ўтилган.

Мазкур услугбий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

## **МУНДАРИЖА**

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>Ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик беришни тартибга солувчи қонунчилик ҳужожатлари .....</b>	<b>4</b>
<b>Янги турмуш қурган ёшларнинг қўшимча уй-жой қуриш маданиятини шакллантириш.....</b>	<b>5</b>
<b>Янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга учун кафиллик беришда "маҳалла еттилиги"нинг ўрни .....</b>	<b>9</b>
<b>Кредит манбаларини шакллантириш тартиби қандай?... </b>	<b>14</b>
<b>Кредитлар мониторингини олиб бориш ва кредитни қайтариш тартиби.....</b>	<b>17</b>
<b>Қарз оловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай?.....</b>	<b>19</b>
<b>Иловалар .....</b>	<b>20</b>
<b>Ижтимоий тармоқлардаги фойдалари ҳаволалар .....</b>	<b>21</b>

## КИРИШ

Сўнгги маълумотларга кўра, мамлакатимизда 2023 йилнинг январ-декабрь ойларида Ўзбекистонда рўйхатга олинган никоҳлар сони 283 808 тани ташкил этди. Шу рақамнинг ўзиёқ ёшларни янги уй-жойга бўлган катта эҳтиёжини кўрсатиб турибди.

Шубҳасиз, қўшимча уй-жой янги турмуш қурганлар учун қўшимча даромад манбаи бўлиши билан бирга, ердан ижобий фойдаланиш, яшаш сифатини ошириш имконини беради. Тарихдан маълумки, ердан унумли фойдаланиш фаровонлик манбаи бўлиши мумкин.

Яқин ўтмишда биз ўз мулкларида қўшимча уйларни муваффақиятли қуриб, бошқараётган уй эгалари сони ортиб бораётганини қўрдик. Баъзилар ҳатто замонавий, барқарор қурилиш амалиётлари ва технологияларини ўз лойиҳаларига киритдилар.

Давлат томонидан қўшимча уй-жой қуришдан манфаатдор бўлган уй-жой мулқдорларини хуқуқий ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида фаол ишлар олиб борилмоқда. Бу борадаги қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, янги турмуш қурганлар учун қурилиш рухсатномалари, экологик тоза материаллар, имтиёзли кредитлар бериш каби моддий-техника ресурслари билан таъминлаш жараёни йўлга қўйилди.

Янги турмуш қурганларнинг уй-жойларидан самарали фойдаланиш орқали даромадларини ошириш ва яшаш сифатини яхшилашда қўмаклашиш мақсадида кенг қўламли қўлланма ишлаб чиқилди. Барча уй-жой мулқдорлари учун мўлжалланган ушбу қўлланмада ер эгаларининг хуқуqlари, уларга тақдим этиладиган қонуний имтиёзлар ҳамда ушбу хуқуқ ва имтиёзлардан тўғридан-тўғри фойдаланиш жараёни ёритилган.

Қўлланма Сиз учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиламиз.

# **Ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик беришни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чоратадбирлар тўғрисида”ги 21.12.2023 йилдаги ПФ-209-сонли Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 19.01.2022 йилдаги ПҚ-92-сонли қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оиласаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 12.10.2021 йилдаги 637-сонли қарори




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 07.06.2022 йилдаги 312-сонли қарори



## Янги турмуш қурган ёшларнинг қўшимча уй-жой қуриш маданиятини шакллантириш

Нега янги турмуш қурган ёшларнинг қўшимча уй-жой қуришини тарғиб қилиш керак?

### Қўшимча уй-жой қуриш:



Сўнгги йилларда айнан янги турмуш қурган ёшларнинг қўшимча уй-жой қуришни тартибга солишга қаратилган **4 та ҳуҗисжат** қабул қилинган. Бу эса, ўз навбатида, ҳукумат ҳам айни шу йўналиш истиқболига катта ресурслар сарфлаётганини кўрсатади.

Шундан келиб чиқиб, биз янги турмуш қурган ёшларнинг қўшимча уй-жой қуришни тарғиб қилишимиз, мазкур соҳада қонунчилик ҳуҗисжатларининг мазмунини тушунтишишимиз, аҳолига яратилган ҳар бир имтиёз ҳақида тўғри маълумот

бериб, керак бўлса, ушбу имтиёзлардан фойдаланишини ўргатишимиш зарур.



### Уй-жой нима?

Уй-жой ёшларнинг алоҳида тоифаларининг ўз кучи билан, хусусий пудрат ташкилотларини ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёлланма ишчиларни жалб этган ҳолда ўз хонадонида қурилган якка тартибдаги қўшимча уй-жойлардир.

Фуқароларнинг доимий яشاшига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, шунингдек белгиланган тартибда маҳсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари ва бошқа маҳсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар турагар уй-жой деб ҳисобланади.

### Гаров нима?

Бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган хукуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши **гаров** ҳисобланади.

Гаровга кўра қарздор (гаровга қўювчи) гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича гаровга қўювчи томонидан гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан бошқа кредиторларга қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига қонунда назарда тутилган тартибда ҳақли бўлади.



Қонун бўйича ҳақиқий бўлган ҳар қандай мажбуриятнинг: заём, банк кредити, ижара, олди-сотди, юкларни ташиш ва ҳуқуқнинг ҳар қандай субъектлари (жисмоний ва юридик шахслар, давлат) ўртасидаги бошқа мажбуриятларнинг бажарилиши гаров билан таъминланиши мумкин.

**Буни билиш муҳим!** Мажбурият пул бирликларида (миллий валютада ёки чет эл валютасида) ифодаланган бўлиши лозим.

### Кафиллик нима?

Кафиллик бўйича кафил бошқа шахс ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

Кафиллик шартномаси келгусида вужудга келадиган мажбуриятни таъминлаш учун ҳам тузилиши мумкин.

**Буни билиш муҳим!** Кафиллик шартномаси ёзма шаклда тузилиши керак. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кафиллик шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади.




Қарздор кафиллик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафил ва қарздор кредитор олдида солидар жавоб берадилар, башарти

қонунда ёки кафиллик шартномасида кафилнинг субсидиар жавобгар бўлиши назарда тутилган бўлмаса.

Башарти, кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил кредитор олдида қарздор билан баравар ҳажмда жавоб беради, шу жумладан фоизлар тўлайди, қарзни ундириб олиш бўйича суд чиқимларини ва қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредитор кўрган бошқа заарларни тўлайди.

Агар кафиллик шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, биргалашиб кафил бўлган шахслар кредитор олдида солидар жавоб берадилар.

Турмуш қураётган ёшлар ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит олиш учун кафиллик ажратилишини сўраб туман (шаҳар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси васийлик кенгашига тижорат банкининг кафиллик бериш ҳақидаги хати билан бирга ариза беради.



# **Янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга учун кафиллик беришда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни**

## **“Маҳалла еттилиги”нинг асосий вазифалари ҳамда маҳаллани ривожлантиришда тутган ўрни**

*“Замон шиддат билан ўзгаряпти. Маҳаллани жойларда муаммоларни чинакам ҳал қиласиган институтга айлантиришимиз зарур. Яна тажриба орттирамиз, яна ўзгартирамиз. Ҳаёт бизни шунга мажбур қиласиги. Ҳозирги таҳликаларга ечим топамиз десак, бизнинг ягона йўлимиз – маҳалла, маҳалла, маҳалла ва бир марта маҳалла. Маҳалла тизими обрўйини қанча кўтарсак, одамлар ишонади, одамлар биздан рози бўлади”, – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги ПФ-209-сон қарорига мувофиқ **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси** (кейинги ўринларда – Уюшма), унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари, шунингдек туманлар (шаҳарлар) бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, маҳалланинг ҳалқ билан давлат ўртасидаги “**кўприк**” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва ҳалқчил тузилмага айланишига кўмаклашиш Уюшманинг вазифасидир. Мазкур вазифани амалга ошириш учун ҳар бир маҳаллаларда “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилиб, маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатиш учун сафарбар этишга қаратилган асосий фаолият йўналишлари белгиланди.

**Буни билиш мұхим!** “Маҳалла еттилиги” фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари намунавий тузилмасига киритилган **маҳалла раиси раҳбарлигидаги ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори**

аъзоларидан иборат бўлган гуруҳ бўлиб, маҳалланинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида ташкил қилинган.

2024 йилдан бошлаб барча туман ва шаҳарларда “**Маҳалла бюджети**” тизими амалиётга жорий этилди. Бунда:

а) ҳар бир маҳалладаги Маҳалланинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига қуйидаги маблағлар йўналтирилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг (нотурар жойлар бўйича ундириладиган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бундан мустасно) **10 фоизи**;

маҳалла идоралари орқали кўрсатилган давлат хизматлари учун ундирилган йиғимнинг **10 фоизи**;

маҳалладаги ҳудуди 2 000 квадрат метргача бўлган давлат кўчмас мулк обьектларини ҳокими ёрдамчиси онлайн-буортманомасига асосан тўғридан-тўғри электрон онлайн-аукцион савдолари орқали сотишдан тушадиган маблағлар, баҳолаш ва сотиш харажатлари чегирилган ҳолда;

маҳалланинг мол-мулкини белгиланган тартибда ижарага беришдан олинадиган маблағлар;

Маҳалланинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси тўғрисидаги низомда белгиланадиган бошқа маблағлар;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллани қўллаб-қувватлаш кенгашлари Маҳалланинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси маблағларини қайта тақсимлаган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда ортда қолаётган маҳаллаларга йўналтириши мумкин.

**Маълумот учун.** Ижтимоий ёрдам ва субсидиялар аҳолининг камбағалликдан чиқишини таъминлаш учун мақсадли ва манзилли йўналтирилиши ҳамда қарорлар қабул қилинишида очиқлик, ҳаққонийлик, ижтимоий адолат ва шафофлик тамойилларига риоя қилиниши учун “маҳалла еттилиги” **масъул ва жавобгар бўлади**.

Ушбу “еттилик”да ёшлар етакчисининг давлатнинг ёшларга нисбатан олиб борилаётган сиёсатида ўрни жуда мухимдир.

### **Ёшлар етакчисининг асосий вазифалари:**

✓ маҳаллаларда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, жумладан уларни “Беш ташаббус олимпиадаси”да иштирок этишга жалб этиш.

(Ҳар ойда камида 20 нафар ёшларни спорт, мусиқа ва фан тўгаракларига жалб этади.

Ҳафтада бир маротаба спорт мусобақалари, мусиқа ва рақс танловларини ташкил этади).

✓ ишсиз ёшлар ва мактаб битиувчилари бандлигига кўмаклашиш, жумладан “Ёшлар бандлиги дастури”ни маҳаллада амалга ошириш.

(Маҳаллада ишсиз ёшлар ва мактаб битиувчиларининг рўйхатини шакллантиради ва ҳоким ёрдамчиси билан биргаликда уларнинг бандлигини таъминлайди.

Ҳар ойда бир маротаба мактабнинг битиувчи синф ўқувчилари билан учрашиб, олий таълим муассасаси ва мутахассислик йўналишини танлаш ҳамда кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ёрдам беради).

✓ давлат кўмагига муҳтож “оғир” тоифадаги ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш.

(Маҳаллада “оғир” тоифадаги ёшларнинг яшаш манзили ва иш жойига ҳар ойда камида бир маротаба бориб, биректирилган раҳбарлар билан биргаликда ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашади).

✓ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан, шунингдек, профилактика инспектори билан биргаликда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган вояга етмаганлар билан тизимли ишлаш.

(Хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар ва вояга етмаганларни ҳар бири билан индивидуал ишлайди).

✓ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, жумладан ёшларга кўрсатиладиган 30 та ёрдам турларидан самарали фойдаланиш.

(Ҳар чорақда бир маротаба ёрдам кўрсатилган ёшларнинг уйига бориб, лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашади).

✓ хориждаги ватандош ёшлар билан ишлаш ва уларни қўллаб-куватлаш.

(Ҳар ойда камида бир маротаба хориждаги ёш ватандошлар билан мулоқот қилиш орқали уларнинг фаолиятини ўрганади ҳамда Ватанга қайтиб фаолиятини юритиши учун “маҳалла еттилиги” билан зарур чораларни кўради).

✓ иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-куватлашга кўмаклашиш.

(Ҳар ойда камида 1 нафар иқтидорли ёшларни аниқлайди, истеъдодини рўёбга чиқариш бўйича улар билан индивидуал ишлайди, мавжуд ёрдам турлари орқали уларни қўллаб-куватлаш чораларини кўради).

✓ ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, жумладан ёшлар етакчисининг ўзи ҳар ойда камида 1 та китоб мутолаа қилиш орқали шахсий намуна кўрсатиши.

(Ҳар чорақда камида бир маротаба маънавият, маданият ходимлари, ёзувчи ва шоирларни жалб қилган ҳолда ёшлар ўртасида китобхонликка оид тадбирларни ташкил этади).

✓ шахсий ривожланиш мақсадида, жумладан “Ибрат фарзандлари” лойиҳаси доирасида камида 1 та хорижий тилни мукаммал ўрганиш.

(Маҳалла ёшларини хорижий тилларни ўрганишга доимий қизиқтириб боради).

## **Ёшлар етакчисининг янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга учун кафиллик беришдаги ўрни.**

“Биз фаолиятимизнинг биринчи кунларидан ҳамма ишни маҳаллада, халқимиз билан биргаликда ташкил қилиб келяпмиз. Бу тизимни босқичма-босқич ривожлантиридик. Энди яна қўшимча куч, имкониятлар бериляпти.

Бу ҳам ваколат, ҳам масъулият дегани. Маҳаллалар – давлатимизнинг энг катта замини”, – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев

**Ёшлар етакчisi янги турмуш қураётганида ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун кафиллик беришда уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратишда “Ёшлар дафтари” жамғармасининг кафиллигини тақдим этади.**

## **Кредит манбаларини шакллантириш тартиби қандай?**

Ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз асосда ажратиладиган кредитлар қўйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан иштирок этувчи тижорат банкларига жойлаштирилайдиган маблағлар;
- тижорат банкларининг ўз маблағлари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар.

**Буни билиш муҳим!** Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан олинган маблағ, улар ҳисобидан ажратиладиган кредитлар қарз оловчилар томонидан тўловларни амалга ошириш муддатидан қатъи назар, банклар томонидан Бош битим, шартнома ва унга илова қилинган қайтариш графикларига асосан қайтарилади.

Ёшларнинг алоҳида тоифаларига якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуришга кредитлар ажратиш учун Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тижорат банкларига маблағларни жойлаштириш **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 февралдаги 56-сон қарори** билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган маблағлар ҳисобидан ипотека кредитлари ажратиш тартиби тўғрисида” низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ёшларнинг алоҳида тоифаларига кредитлар ажратиш тижорат банклари томонидан мазкур Низомга ва банкларнинг ички кредит сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

Ариза берувчи кафиллик ажратишни сўраб тижорат банкининг Васийлик кенгаши номига юборилган ариза берувчи томонидан қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш учун **кафиллик бериш ҳақидаги хатини** тақдим этади.

Васийлик кенгаши **уч иш куни** ичида мурожаатни унга илова қилинган ҳужжатлар билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган маҳалладаги ёшлар етакчисига юборади.

Маҳалладаги ёшлар етакчиси ***беш иш куни*** ичида кафиллик бериш ёки рад этиш ҳақида хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда кафиллик беришни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда рад этиш сабаблари асосланиши талаб этилади.

**Буни билиш муҳим!** Агар маҳалладаги ёшлар етакчиси мурожаатни унга тушган пайтдан бошлаб беш иш куни ичида кўриб чиқмаса ёки кафиллик беришни асоссиз рад этиш ҳақида хабарнома берса, Васийлик кенгаши ариза берувчининг ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини ҳамда унинг мурожаати ушбу параграф талабларига мувофиқлигини ўрганган ҳолда унинг мурожаатини қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Мурожаатни ўрганиш натижаларига кўра, Васийлик кенгаши қарорига асосан **уч иш куни** ичида ариза берувчига кафиллик берилиши мумкин.

# Турмуш қураётган ёшларнинг ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит олиш учун кафиллик бериш СХЕМАСИ

Босқич	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Ариза берувчи*	Турмуш қураётган ёшлар ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит олиш учун кафиллик ажратилишини сўраб туман (шахар) «Ёшлар дафтари» жамғармаси васийлик кенгашига тижорат банкининг кафиллик бериш ҳақидаги хати билан бирга ариза беради.	1 иш куни ичida
2-босқич	Васийлик кенгashi	Мурожаатни унга илова қилинган шартнома билан бирга ариза берувчи яшаб келаётган махалладаги ёшлар етакчисига кўриб чикиш учун юборади.	3 иш куни ичida
3-босқич	Махалладаги ёшлар етакчisi	Ариза берувчига кафиллик бериш бўйича тавсия ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани Васийлик кенгашига юборади. Бунда, кафиллик беришни рад этиш ҳақида хабарнома юборилганда, рад этиш сабаблари асослантирилиши талаб этилади.	5 иш куни ичida
4-босқич	Васийлик кенгashi	Махалладаги ёшлар етакчisi Васийлик кенгашига белгиланган муддатда кафиллик бериш учун тавсия ёки рад этиш ҳақида хабарнома бермаса ёки асоссиз рад этилганлиги аниқлансанса Васийлик кенгashi ариза берувчининг мурожаатини қаноатлантиради.	5 иш куни ичida
	Васийлик кенгashi	Мурожаатни ўрганиш натижаларига кўра ариза берувчига кафиллик беради.	3 иш куни ичida

\*Турмуш қураётган ёшларнинг ўз хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратишга қуийдаги тоифадаги ёшларга кафиллик берилади:

«Ёшлар дафтари»га киритилган, никоҳи қайд этилганига **3 йилдан ошмаган ёш фуқаро**

## Кредитлар мониторингини олиб бориш ва кредитни қайтариш тартиби

Кредитни қайтариш ва у бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш тартиби банк ва қарз оловчи ўртасида тузилган кредит шартномаси, қонунчилик ҳужжатлари ва банк кредит сиёсати билан тартибга солинади.

Кредит бўйича фоиз кредит қолдифига нисбатан ҳар куни ҳисоблаб ёзилади ва ҳар ойда бир марта ундирилади.

Кредит бўйича асосий қарзни ва фоизни тўлаш тартиби кредит шартномасида белгиланади.

**Буни билиш муҳим!** Бунда, ҳисобланган фоиз ва кредит бўйича асосий қарз банк ва қарз оловчи томонидан имзоланган, кредит шартномасига илова қилинган тўловлар жадвалида белгиланган муддатларда ундирилади.

Банк кредитдан фойдаланишнинг бутун даври давомида доимий мониторингни амалга оширади. Мониторинг давомида банкнинг масъул ходими кредитдан мақсадли фойдаланилиши, асосий қарз ва фоизнинг тўланишини назорат қилиб боради.

Кредитдан белгиланган мақсадда фойдаланмаганлик учун қарз оловчига нисбатан банк томонидан қўлланиладиган чоралар кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

Қарз оловчи томонидан кредит бўйича асосий қарз ва унга ҳисобланган фоиз тўлови белгиланган муддатларда тўланмаганда, банк ходими қарз оловчи билан шахсан учрашиб мажбуриятини бажарилмаётгани сабабини аниқлайди ва муддатида қайтарилмаган кредитнинг қайтарилишини таъминлаш чорасини кўришни талаб қиласди.

Кредит мониторинги давомида тақдим этилган ҳисбот ва унга илова қилинган ҳужжатларни таҳлил қилиш жараёнида банк томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланилганлиги аниқланган такдирда, банк мақсадсиз фойдаланилган маблағ ва

улар бўйича ҳисобланган фоизларни шартномада белгиланган тартибда муддатидан олдин ундириб олади.

Кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтармаслик хавфи юзага келса, банк кредит шартномаси ҳамда қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида тўлов (қайтариш) муддати келган кредит ва фоиз тўловларини ундириш чораларини кўради.

Берилган кредитни муддатидан олдин ундириш мақсадида банк қарз оловчи (биргаликда қарз оловчи)нинг ҳар қандай ҳисобваракларидан (омонат, банк карталаридағи) маблағларни акцептсиз тартибда ундириб олиши ва қарздорликни қайтаришга йўналтириши мумкин.

**Буни билиш муҳим!** Ушбу шартлар албатта кредит шартномасида белгиланган бўлиши керак.

Кредит бўйича муддати ўтган асосий ва фоиз қарздорликни қарз оловчидан уч ой ичида ундириш имкони бўлмаган такдирда, ушбу қарздорликлар тегишлича Низомда кўрсатилган кафилликлар ҳисобидан **бир ой ичида** қоплаб берилади.

**Буни билиш муҳим!** Бунда, қоплаб берилган кредит қарздорлиги суммасини тегишлича “Саховат ва қўмак”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” жамғармаларига ушбу жамғармалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан қарз оловчидан регресс тартибида ундириш чоралари кўрилади.

## Қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари қандай?

Ариза берувчи кредит олиш учун банкка мурожаат қилганда, банк кредитнинг асосий шартлари тўғрисидаги ахборот ва рақасини **бепул** тарзда тақдим этади.

Банк ариза берувчига кредит бўйича тўланиши лозим бўлган ойлик тўловлар миқдори ҳамда ариза берувчининг даромадларини таҳлил қилган ҳолда ушбу тўловларни тўлаш учун унинг имконияти етиши (ёки етмаслиги) ҳақида тушунтириш беради.

Кредит шартномаси имзоланмасдан олдин банк ариза берувчига ушбу шартнома лойиҳасини танишиб чиқиш учун ўзи билан олиб кетиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида хабардор қилиши лозим.

**Буни билиш муҳим!** Банк қарз олувчига кредит шартномаси имзоланган кунда шартноманинг битта асл нусхасини кредитни қайтариш жадвалини илова қилган ҳолда тақдим этиши керак.

Банк кредит ажратишида банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда банклар фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ қарз олувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаши шарт.

Қарз олувчи қурилган якка тартибдаги қўшимча уйжойнинг тўлиқ қийматини йўқолиш ва шикастланиш хавфларидан суғурта қилишда суғурта ташкилотини мустақил танлаш ҳуқуқига эга.

**Маълумот учун.** Ариза берувчи (қарз олувчи) давлат органлари ва ташкилотлари, тижорат банклари ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи ташкилотга ёки судга шикоят қилиши мумкин

# ИЛОВАЛАР

1-илова

\_\_\_\_\_ вилояти \_\_\_\_\_ туманидан Мурожаатни ўрганиш юзасидан  
**ДАЛОЛАТНОМА**

«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2024 йил  
\_\_\_\_\_ тумани

Мурожаатнинг виртуал тизимдаги раками: \_\_\_\_\_ / \_\_\_\_\_ санаси: \_\_\_\_\_ 2024 й.

Фукаро Ф.И.О: \_\_\_\_\_

Тугилган сана, йили: \_\_\_\_\_

Сектор № \_\_\_\_\_

Махалла: \_\_\_\_\_

Манзили: \_\_\_\_\_

Иш жойи (ижтилоий холати): \_\_\_\_\_

Телефон: +998 \_\_\_\_\_

**Мурожаат/мазмуни:**

---

---

---

---

Мурожаатни ўргангандан ташкилот ва маъсул ходим лавозими, телефони:

---

---

---

---

**Мурожаатни кўриб чикиш натижаси:**

---

---

---

---

**Ташкилот раҳбари:**

шило ш Ф100

**Маъсул ходим:**

шило ш Ф100

**МФӢ раиси:**

шило ш Ф100

**Мурожаат муаллифининг муносабати:**

---

---

---

---

## Ижтимоий тармоқлардаги фойдали ҳаволалар



Маħalla uyošmasi Telegram kanali



“Smart mahalla” Telegram bot



“Онлайн Маħalla” Электрон платформаси



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси сайти



“Хуқуқий ахборот” Telegram kanali